



ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ АДЖУ УНИВЕРСИТЕТИ
ва
ARTEL TECHNICAL SCHOLL
ўртасида

кадрларни тайёрлаш соҳасида
ҳамкорлик тўғрисидаги

АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ

Тошкент шаҳридаги Аджу университети (бундан кейин – “Университет”) номидан проректор Баҳодир Маҳкамович Қўчқаров, ва Artel Technical School (бундан кейин – “School”) номидан директор Мухторов Алишерхўжа Файзулло ўғли, биргаликда “Томонлар” деб аталувчилар,

ўқувчи ёшларда кенг дунёқараш, интеллектуал салоҳият, ижодий ва таҳлилий фикрлашни ривожлантириш, илм-фанга бўлган қизиқишни ошириш, ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида;

юксак касбий билим ва маҳоратни эгаллаган, ижодкор, ташаббускор ва мустақил қарор қабул қилиш қобилиятига эга, стратегик фикрловчи ва салоҳиятли кадрларнинг янги авлодини шакллантириш мақсадида қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1. ҲАМКОРЛИК МАҚСАДИ

Томонлар ушбу Англашув Меморандуми ўзаро ҳамкорликнинг умумий тамойилларини ўз ичига олганлигини чуқур англаган ҳолда, унинг қоидалари ҳамда амалдаги қонунчилик, соҳага оид давлат дастурлари ва ўз уставларига амал қилиб, ўзларининг ваколатлари доирасида ўзаро ҳурмат асосида кадрларни тайёрлаш соҳасида икки томонлама манфаатли ҳамкорликни қўллаб қувватлайдилар ва ривожлантирадилар.

2. ҲАМКОРЛИК СОҲАЛАРИ

Томонлар, кўзланган мақсадга эришиш йўлида қуйидаги соҳаларда ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар ва илгари сурадилар:

➤ умумий манфаатга доир масалалар юзасидан маълумотлар, тажриба ва амалиёт алмашиш;

➤ “School”га илмий-методик ёрдам кўрсатиш, илғор педагогик технологияларни жорий этишга, замонавий ўқитиш услубларини таълим жараёнига татбиқ этишга кўмаклашиш;

➤ “Университет”нинг етакчи ўқитувчилари ва профессорлари томонидан “School” ўқитувчиларга услубий материаллар тайёрлашда ҳамда ёш ўқитувчиларга илмий, услубий ёрдам бериш;

➤ “School” ўқитувчиларини соҳадаги энг сўнгги назарий билим ва ўзгаришлар билан ўртоқлашиш мақсадида “Университет” профессор-ўқитувчилари томонидан маҳорат дарсларини ўтказиш;

➤ “Университет”нинг раҳбар ходимлари томонидан “Scholl” ходимлари ва ўқувчилари иштирокида давра суҳбатларини ташкил қилиш;

➤ “School” ўқувчилари ўртасида танловлар ўтказиш, ўқувчиларнинг илм-фан, инновацион ва рационализаторлик қобилиятларини ривожлантириш бўйича ишларни ташкил қилишда маслаҳат бериш;

➤ “Университет”да олиб борилаётган чет тили ва аниқ фанлар бўйича дарс машғулотларида “School” ўқувчиларини онлайн тарзда иштирок этишини

таъминлаш;

➤ “Университет” томонидан ўтказиладиган тадбирларга кўнгилли сифатида иқтидорли ўқувчиларни жалб қилиш;

➤ “Университет” фаолиятини “School” ўқувчилари ўртасида кенг тарғиб қилиш, тақдимот ва видеороликларни намойиш этиш;

➤ “Университет” фаолиятини акс эттирувчи тақдимот материалларни тарқатишга кўмаклашиш;

➤ “School”ни битирувчи ўқувчиларини “Университет”га имтиёзли равишда қабул қилиш;

➤ кўшма анжуманлар, кўргазмалар, тақдимотлар, конференциялар, семинарлар, вебинарлар, маҳорат дарслари ва консультациялар каби тадбирларни ҳамкорликда ўтказиш;

➤ Томонлар ўзаро келишган ҳамкорликнинг бошқа соҳалари.

3. МАСЛАҲАТЛАШУВ

Томонлар ушбу Меморандумни қўллаш юзасидан ўзаро келишилган вақтларда маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

Томонлар мазкур Меморандум мақсади ва унда белгиланган вазифаларни ўз томонларидан амалга оширилишига бевосита масъул жавобгар бўлган шахс/шахсларни белгилайдилар.

Томонлар ўзаро келишувига биноан ушбу Меморандум мақсадлари учун бошқа шерикларни, ҳамкорларни жалб қилишлари мумкин.

4. ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

Ҳар бир Томон ушбу Меморандумга ёхуд унинг бир қисмига ўзгартириш ёки қўшимча киритишни ёзма равишда таклиф этиши мумкин.

Томонлар ўзаро келишган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда ушбу Меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва Томонлар белгиланган кундан бошлаб кучга кирадиган Баённомалар шаклида расмийлаштирилади.

Ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар уларнинг кучга киргунига қадар ушбу Меморандумдан келиб чиққан ёки унга асосланган Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этмаслиги лозим.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

Ушбу Меморандум қоидаларини талқин қилиш, бажариш ва қўллашда Томонлар ўртасида вужудга келадиган ҳар қандай келишмовчилик ёки низолар учинчи томонга ёхуд судларга мурожаат этмасдан, Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар ва/ёки ёзма шаклидаги музокаралар йўли билан дўстона равишда ҳамжиҳатлик асосида ҳал қилинади.

6. ҲАМКОРЛИКНИНГ КУЧГА КИРИШИ, АМАЛ ҚИЛИШИ ВА ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТИШИ

Ушбу Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 10 (ўн) йил муддат давомида амал қилади.

Томонлар ўзгача келишмаган тақдирда, бу муддат ўз-ўзидан кейинги 10 (ўн) йиллик муддатга узаяди.


Мазкур модда қоидаларидан қатъий назар, Томонларнинг ҳар бири бошқа Томонни ушбу Меморандум амал қилишини тугатиш нияти борлиги тўғрисида истаган вақтда, бу ниятни амалга ошириш санасидан камида 6 (олти) ой илгари ёзма равишда хабардор қилиб, унинг амал қилинишини тугатиши мумкин.

Ушбу Меморандумнинг тугатилиши, унинг амал қилиши ўз ниҳоясига етиши санасидан аввалроқ келиб чиққан ёки унга асосланган Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этмаслиги лозим.

Мазкур Меморандум 2 (икки) асл нусхада, ҳар иккиси ҳам ўзбек тилида тузилди.


7. ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ

**Тошкент шаҳридаги
Аджу университети
проректори**



Б.Қўчқаров

**Artel Technical School
директори**



А.Мухторов

2021 йил “24” сентябрь